

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н., доцент. Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2015 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудирини _____
доцент О.Шерматов
« ____ » _____ 2015 йил

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Абдуллаева Саидахон Баходиржон кизининг**

∪
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер
хўжалигида иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омиллари.**

БМИ раҳбари: _____ *и.ф.н. к.ўқ В. Абдурахмонов*

Бажарувчи: _____ *С. Абдуллаева*

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудири

доц. О.Шерматов _____

«___» __2014 й.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Абуллаева Саидахонга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2014 йил 10 сентябрдаги № 275- Ст буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида иқтисодий жихатдан ривожлантириш омиллари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 5 » м а й 2015 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	Бажарилиш муддати	БМИни Рахбари	Имзо
Кириш	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	10.01.2015	
1-боб Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари			
1.1. Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	04.02.2015.	
1.2. Фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг моҳияти ва зарурлиги	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	28.03.2015	
2-боб: Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили			
2.1. «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	21.04.2015	
2.2. Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	28.04.2015	
2.3. Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигида рентабелликни ошириширишга таъсир этувчи омиллар.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	30.04.2015	
3-боб: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жаҳатдан ривожлантириш масалалари			
3.1. Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни барқарор ривожлантириш омиллари.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	01.05.2015	
3.2. Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалалари.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	03.05.2015	
Хулоса ва таклифлар.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	04.05.2015	
Фойдаланилган адабиётлар.	и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов	05.05.2015	

Топширик берилган вақти:

БМИ рахбари:

Битирувчи:

“10”сентябрь 2014й

и.ф.н. к.ўқ. В. Абдурахмонов

С. Абдуллаева.

М у н д а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	5-8
1-боб. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари		
1.1.	Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари	9-17
1.2	Фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг моҳияти ва зарурлиги	18-25
2-боб: Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили		
2.1.	«Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити.	26-32
2.2.	Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.	33-44
2.3	Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигида рентабелликни ошириширишга таъсир этувчи омиллар.	45-52
3-боб: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантириш масалалари		
3.1.	Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни барқарор ривожлантириш омиллари.	53-56
3.2.	Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантириш йўллари.	57-61
	<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	62-63
	<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	64-71

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг асосий қисми ҳамда иқтисодий салоҳиятининг катта улуши қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Шу сабабли, мамлакатимизда янгилашни даставвал қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши талаб қилинди. Республика Президенти И.А. Каримов олиб борилган ислохотлар ҳақида: “Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, фермер хўжаликларини иқтисодий ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди. Шу билан бирга мамлакатимизда аграр соҳани, хусусан, фермер хўжалигида 2014 йилда эришилган натижалар ҳусусида, 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати ҳолати яхшиланди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини берди¹” - дея таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизда аграр соҳани мулкий ислох қилиш орқали хўжалик юритишнинг ўндан ортиқ шакллари синаб кўрилди ва улар орасидан хусусий мулкчилик муаммоларини ҳал қиладиган ва бозор талабларига мос келадиган учта шакли танлаб олинди. Қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланиши, деҳқонларга иқтисодий эркинлик берилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига катта имкониятлар очиб берди.

¹ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил №-11.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривож учун кенг имкониятлар очиб берилганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустахкамлаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигининг якунловчи асосий кўрсаткичи бўлиб, рентабеллик даражаси ҳисобланади. Фермер хўжаликлари фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини кўришлари лозим. Бу мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни, ишлаб чиқаришга янги тежамкор технологияларни жорий этишни, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини оширишни тақазо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантириш, уларни рақобатбардошлигини оширишни асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикада фермер хўжаликлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ЯИМни 16.8 фоиздан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Уларни айниқса пахта ва ғалла етиштиришдаги тутган ўрни юқоридир.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-3077-сонли ва 2009 йил 12 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларининг янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3287-сонли Фармойишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимизнинг 2009 йил 22 октябрдаги Ф-3287-сонли Фармойишини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича босқичма-босқич тадбирлар амалга оширилди.

Юқорида келтирилган маълумотлар БМИнинг мавзуси ҳозирги куннинг энг долзарб масаласига таълуқли эканлигини асослайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларини ўрганиб, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳисобланади.

Айтиб ўтилган мақсадга эришиш учун битирув малакавий иш олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг объектив зарурлигини асослаш;
- Фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омиллари хусусиятларини ўрганиш;
- “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омилларини аниқлаш ва асослаш;
- “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигини иқтисодий ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантириш бўйича тайёрланган фикр-мулоҳазалар ва хулосалардан “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида ва у жойлашган худуддаги бошқа хўжаликларда ҳам фойдаланиш мумкин.

БМИ нинг таркиби. Битирув иши кириш, асосий қисм, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Асосий қисм 5 та саволдан иборат бўлиб уларда фермер хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг зарурлиги, бу соҳада эришилган натижалар, самарали технологияларни жорий этиш ва иқтисодий самарадорликни ошириш масалалари ўрганилиб таҳлил этилган.

Битирув малакавий иши электрон ёзма шаклида 71 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини тайёрлашда 10 та жадвалдан фойдаланилди.

1 боб. Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

1.1. Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари

Республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2014 йилда фермер хўжаликлар борасида олиб борилган ислоҳотлар ҳақида муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов: "...1 миллион 700 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини берди²” Бунинг натижада 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди - дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида фаолиятини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, хусусий мулк ва шахс манфаатларининг устивор ривожланишини таъминлаш мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йули билан куллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилди. Республикамизда ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ Президентимиз Ислон Каримов фермер хўжаликлари - қишлоқдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш

² Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил №-11.

аграр ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикада зарар кўриб ишлаш натижасида оғир аҳволга тушиб қолган хўжаликларининг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш аграр ислохотларнинг асосий йўналишиларида бири бўлди. Жамоа хўжаликлари мол-мулки ва ресурслари ҳисобига фермер хўжаликларини юзага келтириш ҳамда аҳолининг ўз мол-мулки негизида бундай хўжаликларни ташкил қилиш асосий йўл ҳисобланди.

Фермер хўжаликлари ижарага олган давлат ерида фаолият кўрсатади. Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш, улар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонунига ҳамда қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бошқа қатор қонунлар, ҳуқуқий битимлар ва ҳукумат қарорларига асосланди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг фаол кириб бориши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан фермер хўжаликларининг янги ижтимоий-иқтисодий уклад сифатида моҳиятини аниқлаштириш, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини теранлаштириш ҳамда ҳуқуқий макomini мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар тажрибаси фермер хўжалиги мулкый ислохотлар орқали рақобат мулкчилик муҳитини яратилиши билан юзага келганлигини кўрсатади. Фермер хўжалиги якка ҳокимликни инкор этиб, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги рақобат ҳосиласи ҳисобланади.

Фермерликнинг шаклланиши ҳар бир давлатда ички ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражасига қараб турлича хусусиятга эга бўлган. Унинг характерли белгиларига меҳнатдан (жамоавий, оилавий, ёлланма меҳнат) ва ердан (хусусий ва ижара) фойдаланиш шароитлари,

капитал ҳажми, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, бозорга нисбатан жойлашуви (узоқ, яқин, қулай) субъектлар ўртасидаги алоқаларнинг интенсивлиги ва ҳоказолар таъсир ўтказади.

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтишида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва тармоқда янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтиришни зарур қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниши билан фермер хўжалиги ва дехкон хўжалигининг мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фарқли томонларини аниқ белгилаб берилди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалиги қорхоналари тақибда юридик шахс мақомини олмай ички хўжалик шартномаси асосида фаолият курсатиб келган дехкон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида расман тан олинмасдан, факатгина уз мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамига эга ҳамда мустақил юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган дехкон хўжаликлари фермер хўжалиги мақомини олди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонунига биноан дехкон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги фарқнинг мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 1-моддасида «фермер хўжалиги – ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир»³ – деб таъриф берилган.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрел.

Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хохишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган конунчилик доирасида юкори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг конун билан таъкикланмаган хар кандай тури билан шуғилланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг иктисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва уз меҳнати натижаларига мулкый эгалик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг уз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунликлари томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этиш ҳисобланади. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шакллари билан бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни қуйидаги чизмада яққолроқ кўриш мумкин (1-чизма).

Фермер хўжалигининг хусусиятлари

1-чизма

1.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланғич бўғини - оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши жиҳатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулкый муносабатлар жиҳатидан	Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; ер майдони узок муддатли ижарага берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин

Фермер хўжалигини юритишдан кўзда тутилган мақсад, фермер манфаати томонидан туриб ёндошсак ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа куп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Фермер хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат.

Фермер хўжалиги фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, тижорат ва маркетинг фаолиятини юритиш, пулли хизматлар кўрсатиш, ҳар хил кўринишдаги тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олиши керак. Демак, фермер хўжалигининг умумий моҳияти бўйича ерни ижарага олиб ишлатиб даромад олиш тушунилади. Фермер хўжалиги деҳқон хўжалигидан фарқ қилиб ёлланма меҳнатдан фойдаланишни инкор этмайди.

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хўжалиги аъзолари ўз хоҳишлари, манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб хўжаликни ташкил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва ўзлаштириш, бошқа хўжаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустақил равишда амалга оширадилар. Қисқача қилиб айтганда фермерлар тўлиқ танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

2) Фермер хўжалигида мулк эгаллиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хўжалигидаги мол-мулк шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш билан

берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва хосилдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнаткаш, юқори фойда олишни кўзлаб ўз мол-мулкани таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда жонли организмлар билан боғлиқ ҳолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий жавобгарлик хисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини кўраستاди. Фермер фақат унинг ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятлари ва маҳоратини тўлалигича намоён эта олади.

5) Фермер хўжалигини асосини жамиятининг бошланғич бўғини - оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан қўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига бўлган ишончи юқорилиги сабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлиги йўлида виждонан ва сифатли меҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини кадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик хислатларига мослашади.

Фермер хўжалиги ўзига хос маънавий ва ахлоқий қадриятлар давомчиси ҳамдир. Фермернинг оилавий турмушида ўзи яшаётган ердаги маҳаллий аҳолининг урф - одатлари, маънавий қадриятлари бевосита ўз ифодасини топади. Хўжалик юритишнинг бу шакли ўзига хос меҳнат ва тарбия мактаби ҳам бўлиб, бунда минглаб йиллардан бери аجدодларимиз томонидан тўпланган меҳнат тажрибалари ва кўникмалари, ерга ва табиатга муҳаббат

хисси ҳамда энг яхши миллий анъаналар мустахкамланиб авлоддан-авлодга ўтказиб борилади.

6) Фермер хўжалиги қисман бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мул-кулчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

7) Фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш мўлжалланган.

8) Ҳар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири-бу турли мулк шаклларида асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, соғлом рақобат кураши вужудга келиши учун жамиятда мулк шаклларининг хилма-хиллигини таъминлаш зарур.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида оилавий фермер хўжаликлари кенг тараққий этади. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан-техника ютуқларига таянган хўжалик ҳисобланади, ҳамда юксак меҳнат унуми ва сифатли маҳсулотни таъминлашга қодир бўлади. Фермер хўжалигининг

яшовчанлиги унинг афзаллигидадир. Бу хўжаликларнинг самарадорлиги, бинобарин, афзаллиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- фермер хўжалигида меҳнат ва мулк бевосита қўшилади, фермер ўз мулкидан фойдаланиб, ўзи меҳнат қилади, ёлланма меҳнат қўшимча аҳамиятга эга;**
- фермер хўжалиги мутлақо мустақил, бирон бир тарзда монополлашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради;**
- фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узвий қўшилади. Бу ерда ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик биргаликда амал қилганидан иқтисодий манфаат ва маъсулият ягона фаолиятнинг икки томонини ташкил этади;**
- фермер хўжалиги нисбатан кам фойда билан ҳам қаноатланиб давлатнинг ёрдамига таянади;**
- фермер учун унинг хўжалиги фақат даромад манбаи эмас, балки унинг уйи, оиласи истиқомат қиладиган жой, унинг ишонган таянчидир. У ўз хўжалигини ўта кадрлайди, шу сабабли унинг ривожини учун ўз меҳнатини аямайди.**

Фермер хўжалигини шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарур шартини ҳисобланади. Шу боисдан қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш бозор ислохотининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда фермерлаштириш тоталитар тузумдан мерос қолган ва ночор аҳволга тушган хўжаликларни қайта ташкил этиб, фермерларга айлантириш ва улар таркибидан фермер хўжаликларини ажралиб чиқиши тарзида боради. Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг хусусияти шундаки, фермер хўжалиги хусусий ерда эмас, балки давлат мулки бўлган ерда вужудга келади.

Фермер хўжаликлари тузилиши жиҳатдан оддий таркибли юридик шахс ҳисобланса, қишлоқ хўжалик кооперативлари мураккаб таркибли тижоратчи қишлоқ хўжалик корхонаси мақомига эгадир. Фермер хўжаликлари ташкил қилиниши жиҳатдан асосан оилавий характерга эга.

Фермер хўжаликлари аграр, фуқаролик, ер, молия, ҳуқуқий муносабатларининг субъекти ва қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг мустақил ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ фаолият ўзини мужассамлаштирган учта компонент: хусусий мулк, ер участкаси ва тадбиркорлик қобилиятини ўзида ифода этади.

Иккинчидан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Учинчидан, товар ишлаб чиқариш фаолиятини узоқ муддатли ижарага бериладиган ер участкаси амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва уларни тўлақонли юритиш истиқболли тадбирдир. Фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериладиган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт - шароитлар ва кафолатли хўжалик юритиш тизимини

яратиш, улар фаолиятини ривожлантириш учун том маънода асос яратади.

1.2. Фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг моҳияти ва зарурлиги.

Республикада фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан энг самарали хўжалик юритиш шакли эканлигини инобатга олиниб уларни барқарор ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов томонидан таъкитланишича “...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириши учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими уларнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни каътий талаб этмоқда”⁴.

Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этилиши ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида махсулот рақобатдошлигини кескин оширилишини тақозо этади.

Республикада модернизациялаш жараёнига охириги йилларда алоҳида эътибор бериб у иқтисодиётимиз тараққиётининг асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш 2010 йил учун белгиланган етти устувор йўналишларнинг учинчиси сифатида белгиланган бўлса, у 2011-2013 йилларда иккинчи устувор йўналиш сифатида қабул қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида ушбу масалаларга тўхталиб “минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Хол буки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қиладиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда

⁴ И.А.Каримов. Жаҳон Молиявий Иқтисодий инкирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йуллари ва чоралари. Т.Ўзбекистон – 2009 йил

техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширилишига катта эҳтиёж сезилмокда” деб алоҳида таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш соҳани техник ва технологик жихатдан тубдан янгиланиши жараёни бўлиб, унда бир бирлари билан ўзвий боғланган уч йўналишни, яъни, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жихозлаш, таркибий жихатдан техник-технологик қайта тўзиш ва ишлаб чиқаришни маънавий жихатдан янгилаш асосида эришилади. Ушбу йўналишлар бўйича соҳани модернизациялаш жараёни Президентимиз кўрсатмаси бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур асосида амалга оширилмокда.

Дастурда белгиланган модернизациялашнинг асосий йўналишларини амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигига, жумладан, уни устивор хўжалик юритишни шакли ҳисобланган фермер хўжаликларига етиштирилаётган бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини кескин ошириш асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жихатдан ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалиги маҳсулотларининг рақобатдошлиги ҳозирги кунда уни иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ва самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилига айланади. Сабаби маҳсулот рақобатдошлигини ошириш фермер хўжалигида фойдани кўпайтиришни, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Рақобатдошлик серқирра ва мураккаб иқтисодий жараён бўлиб уни таркиб топишига кўп сонли омиллар таъсир кўрсатади. Рақобатдошлик даражасини иқтисодий жихатдан таҳлил этишда унга таъсир этувчи барча омиллар одатда икки асосий гуруҳга ажратилади. Улар маҳсулот таннархи ва уларни сифатидир. Таннарх ва сифат атамалари иқтисодиётда мустақил

иқтисодий категориялар бўлиб улар иқтисодий самарадорликни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Махсулот таннарни фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб у ўзида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради. Уни таркибига моддий харажатлар, иш хақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация ва бошқа харажатлар киради.

Фермер хўжалиги махсулоти рақобатдошлигига таъсир этувчи иккинчи гуруҳ омиллари ўз аксини сифат категориясида топади. Тарихда сифат атамасига турлича таърифлар берилган. Жумладан эраиздан олдинги III-асрда Аристотель сифат атамасини предметлар ўртасидаги фарқлар ва уларни “яхши – ёмон” белгилар билан ажратиш деб таъкидлаган эди. Демак, сифат атамаси тарихдан нисбий тушунча бўлиб, у бозорда яъни махсулотларни ўзаро алмашилганда юзага чиқади. Сифат даражаси махсулотларни таққослаш, солиштириш йўли билан аниқланади.

Қадимги Хитойликлар эса, сифат атамаси "юқори навли", "кимматли" деган маънони англатишини алоҳида таъкидлашган. Бу сифатли махсулотларни қиммат, яъни юқори баҳоларда етиштиришни асослайди.

XIX асрда яшаб ўтган машҳур немис файласуви Гегельнинг изохлашига кўра сифат ўзининг мавжудлиги билан баҳоланади ва нарса сифати йўқотиши билан ўзлигини ҳам йўқотади. Ушбу изохга кўра махсулот ўз сифатини йўқотиши билан истемолга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, сифат атамаси нисбий характерга эга бўлиб, у тақослаш, солиштириш асосида бозорда, яъни махсулотларни реализация қилиш жараёнида намоён бўлади.

Махсулот сифати уни турига қараб Ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдаланиш муддати, нави, софлиги, тозалиги, фойдалилиги билан бир қатор хусусиятлари билан белгиланади. Демак, сифат категорияси иқтисодий жиҳатдан махсулот ва хизматларида мужассамланган хосса ва

таснифлар мажмуаси бўлиб, жамиятдаги маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларда пахта хом ашёси рақобатдошлигини ошириш ва уни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Натижада вилоятда 2013 -2014 йилларда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги маълум даражада яхшиланди. Охирги 3 йилда, яъни 2012 -2014 йилларда иқтисодий самарадорликнинг асосий якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик 11,7дан 15,0 фоизга ёки +0,3 даражага кўтарилди. Бунга фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан ялпи махсулотни тезроқ ўсишини таъминланиши асосида эришилди, яъни пахта етиштириш бўйича сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари 51,2 ошгани ҳолда ялпи махсулот ҳажми 51,6 фоизга кўпайган. Пахта етиштиришнинг бошқа бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлари ҳам бир оз яхшиланди. Жумладан, пахта экин майдонлари уч фоизга қисқарган ҳолда уни ҳосилдорлиги 29,8 дан 31,7 центнерга ёки 6,4 фоизга оширилиши ҳисобига ялпи ҳосилни 3,3 фоизга кўпайишига эришилди. Пахтачиликда 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган ялпи махсулот ва фойда кўрсаткичлари мос ҳолда 56,3 ва 59.6 фоизга оширилди. Лекин пахта хомашёси рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичларидан бири, яъни 1 ц пахта таннарни охирги 3 йилда 40,8 дан 59,8 минг сумга ёки 46,6 фоизга ошган. Бу жараён ялпи ҳосил билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбатларни бузилиши асосида юз бермоқда. Вилоятда пахта ялпи ҳосили 3,3 фоизга кўпайгани ҳолда уни етиштириш учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари 51,9 фоизга ортган.

2014 йилда об – ҳаво шароитини кузда кескин ёмонлашуви натижасида етиштирилган пахта ҳосилининг бир қисмини йигиштириб олишнинг иложи бўлмади. Натижада пахта етиштиришнинг самарадорлиги кескин пасайиб кетди. Пахта етиштириш бўйича рентабеллик даражаси 2014йилда 2013 йилдаги 12,0 фоиздан 6,5 фоизга, ёки 5,5 даражага пасайди.

Фермер хўжалигида пахта таннархини пасайиши ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан пахта ялпи ҳосилини устун даражада ўсиши асосида юз берадиган мураккаб техник-технологик ва иқтисодий жараён бўлиб, уни бирданига пасайтириш ҳозирги шароитда жуда қийин масала бўлиб ҳисобланади. Сабаби маҳсулот таннархини пасайиши қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жараёни билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, уни бевосита амалга оширилиши асосида бошланади.

Пахта таннархини пасайтириш бўйича тадбирларни белгилашда уни мунтазам ошиб боришининг ички ва ташқи омилларига алоҳида эътибор бериш лозим. Ички омиллар фермер хўжалигининг ўзига боғлиқ бўлиб улардан самарали фойдаланиш имкониятларини хўжаликнинг ўзи яратади.

Ташқи омиллар фермер хўжалигига бевосита боғлиқ бўлган тарзда таъсир кўрсатади. Жумладан, ташқи омилларга фермер хўжалигини саноатдан сотиб олаётган ишлаб чиқариш воситаларининг баҳолари киради, жумладан ёқилғи, мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар. Ушбу баҳолар саноат томонидан нисбатан олинганда эркин бозор тамойиллари асосида шаклланади ва уларга харидорларнинг таъсири катта эмас. Фермер хўжаликлари эса ўзлари етиштирган пахта ҳом ашёсини давлат буюртмаси асосида тайёрлов ташкилотларига катъий ўрнатилган харид нархлари бўйича реализация қиладилар. Натижада узок йиллар давомида саноат етказиб берадиган ишлаб чиқариш воситаларининг баҳолари қишлоқ хўжалигини маҳсулотларига ўрнатилган харид баҳоларига нисбатан устун даражада ўсиб бормокда. Баҳолар ўртасидаги ушбу номутаносиблик фермер хўжаликларда маҳсулот таннархини мунтазам ошиб боришини асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, пахта таннархини пасайтириш жараёнини икки босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи босқичда пахта етиштиришни модернизациялаш даражасини кўтариш асосида, уни таннархини ошиб боришига барҳам берилади. Иккинчи босқичда эса, уни пасайтириш жараёни амалга оширилади. Иккинчи босқич пахтачиликни

модернизациялаш жараёни ўзининг мантиқий паёнига етгандан кейин бошланади.

Пахтачиликни модернизациялаш жараёнида пахта етиштириш учун сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари таркибида кескин ўзгаришлар содир этилади. Жумладан, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий харажатларни ва техникадан фойдаланиш сарфларини хиссаси кескин кўтарилиб меҳнат ҳақининг улиши мос ҳолда қисқаради. Сабаби, фермер хўжалигини техника билан қўролланиши даражасини ошиши мос ҳолда иш кучига бўлган умумий талабни кескин пасайишига олиб келади. Натижа шундай, бўлиши керакки модернизациялаш жараёнида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан боғлиқ бўлган барча харажатларнинг суммасига нисбатан ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқарилган иш кучига тўланадиган иш ҳақи ва қўшимча олинган фойдани ҳажми кескин юқори бўлиши лозим.

Пахта хом ашёси рақобатдошлиги даражасини белгиловчи иккинчи асосий кўрсаткич пахта сифатидир. Юқорида айтилгандек пахта таннархини пасайтириш имкониятлари ҳозирги шароитда ўта чекланганлиги учун фермер хўжаликлари уни сифатини яхшиланишига асосий эътиборни қаратишмоқда.

Пахта хомашёсининг ҳарид нархлари нархномаси ҳар йили манфаатдор томонлар билан келишилган ҳолда Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланиб тегишли хўжалик юритиш субъектларига етказилади. Жумладан, 2014 йил пахта ҳосили учун тасдиқланган пахта хомашёсининг ҳарид нархлари нархномасида пахта хомашёсининг саноат навлари ва синфлари ўртасидаги табақалиниш жуда юқори бўлиб, у фермер хўжаликларида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига кескин таъсир кўрсатмоқда. Сабаби, ўрта толали пахта навлари бўйича 1-саноат навининг 1-синфга белгиланган ҳарид баҳоси 5-саноат навининг 3-синфга ўрнатилган нархга нисбатан 4 мартадан зиёдроқ юқоридир. Лекин, фермер хўжаликларда пахта етиштиришнинг эришилган иқтисодий самарадорлиги ҳали талаб

даражасидан анча паст бўлиб, уни кескин ошириш чора-тадбирларни кўриш лозим.

Бунда иқтисодий самарадорликни асосий якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабелликни амалдаги (2014 йилда) 6,5 фоиздан оптимал даражага, яъни камида 30-35 фоизга кўтариш керак.

Хозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг юқори иқтисодий натижаларга эришиши нафақат қишлоқ аҳоли даромадининг ошишига, балки мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва мўл кўл озиқ овқат махсулотларига бўлган талабини қондиришга, саноатнинг эса хомашё билан таъминлаш даражасини яхшилашга ҳамда фермер хўжаликларида банд бўлганларнинг моддий фаровонлигини ошириш имконини беради.

Фермер хўжаликларининг иқтисодий ахvoli мустахкамланиши учун улар биринчи навбатда зарурий моливий ресурслар ва қишлоқ техникалари билан таъминлаш, ушбу сохани янада ривожлантиришнинг асосий тамойли бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига техник сервис кўрсатиш юзасидан мамлакатимиз вилоятларидаги МТПлар бирлашмалари, жумладан 2014 йилда Андижон вилояти МТПларининг жойлардаги бўлимлари билан 3065 та фермер хўжаликлари 95425 гектар майдонга ҳайдаш экиш ва ўрим йиғим ишлари учун 7 млрд 975 млн. сўмли шартнома туздилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги фармонида мувофиқ Андижон вилояти туманларидаги фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб қувватлаш мақсадида ғалла ва пахтани етиштириш учун 3358 та фермер хўжаликларига жами 96589,0 млн. сўм, миқдорида имтиёзли кредитлар етказиб берилди. Ундан ташқари фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларини ўз маблағлари ҳисобидан 1964,8 млн.сўм, меҳнат бандлиги маблағидан 1088,4 млн. сўм, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-

кувватлаш жамғармасы хисобидан 462,7 млн. сўм миқдорида кредитлар ажатилди.

Қишлоқ хўжалигига инвестициялар – қишлоқ хўжалигининг янги асосий фондларини шакллантириш, мавжудларини эса такомиллаштириш ва кенгайтиришга йўналтириладиган моддий, меҳнат ва молия ресурсларининг пул харажатларидир. Инвестициялар ҳажмига қурилиш ишлари, ускуналар сотиб олиш ва уларни ўрнатиш, асосий фондлар таркибига киритиладиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш, лойиҳа ва тадқиқот ишларини олиб бориш, ер майдонлари ажратиш ва қурилиш муносабати билан аҳолини кўчириш харажатлари киритилади.

Инвестициялар сув хўжалиги объектларини қуриш ва қайта қуриш, чорвачилик биноларини, бошқа ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш ва жиҳозлаш, шу жумладан, боғ яратиш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, таъмирлаш корхоналари ва омбор хўжаликларини барпо этиш ва такомиллаштириш, тракторлар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари, қурилишлар сметасига киритилмаган асбоб-ускуналар харид қилишга ва бошқа мақсадларга йўналтирилади.

Ишлаб чиқарувчилар сонининг ўсиши кескин бўлмаганлигига қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ўрта ҳисобда ҳар йили 121%га кўпайиб, 2014 йилда 765 млрд. сўмликни, 2015 йилда эса 985 млрд. сўмликни ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткичларни кредитнинг ўсиш суръатлари билан солиштирсак, натижаси яхши самара беришини кузатиш мумкин. Шундай қилиб, 2014 йилда 2013 йилдагига нисбатан кредит маблағлари миқдори 3,2 баравар кўпайишини, шу даврда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деярли 6,9 баравар ўсишини кузатишимиз мумкин.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун фермер хўжаликлари фаолитида инвестициялар, аграр секторда тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятининг ривожланиши, тижорат банклари кредитлари ва

давлат кафолати остидаги инвестициялардан фойдалиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

2-боб. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили

2.1. «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалиги Охунбобоев массивининг Намуна қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги 2007 йил 1 январда № 378-К сонли туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилган. Ғарб томондан «Убайдулло хикмати» фермер хўжалиги билан, шимол томондан эса «Туячи Абдумажид» фермер хўжаликлари билан чегарадош. «Охунбобоев» СФУ га аъзо ва оқава сувдан фойдаланади. Хўжалик вилоят марказидан 24 км, туман марказидан эса 10 км ўзоқликда жойлашган. Фермер хўжалиги ОАЖ МТПдан 12 км, Ўзкимё дан 11 км, нефтбазадан 12 км, дон қабул қилиш шаҳобчасидан 13 км, пахта тозалаш заводидан 10 км, пиллакашлик корхонасидан 14 км узоқликда жойлашган. Хўжалик Избоскан туман «Агробанк» тижорат банкида № 202080004456278001, МФО 00063, ИНН 206011348 ҳисоб рақамини очган. Хўжаликка ажратилган жами ер участкаси 60 га бўлиб, шундан 58,2 га ерга екин екилиб келади ва 1,8 га йўллар билан банд.

Тупроқ тури бўз тупроқ бўлиб, ер участкаси 100% текисликлардан иборат. Ажратилган ер участкаси 3 контурдан иборат бўлиб, ўртача бонитет бали 64 баллни ташкил этади.

1-контур 21 га, 64 балл,

2-контур 15,2 га, 64 балл,

3-контур 22 га, 64 балл,

«Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигининг ерлари унумдор ҳисобланиб тупроғи қора бўз тупроқ бўлиб у кимёвий элементларга ва чириндига анча

бойдир. Ушбу ерларда самарали технологияларни қўллаш асосида пахта ва буғдой экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот.

1-жадвал

ТР	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдо ни, га	Ўртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гуруҳи	Синф				
1	1 кадастр гуруҳи	1-синф	0 дан 10 гача			
		2-синф	11 дан 20 гача			
2	2 кадастр гуруҳи	3-синф	21 дан 30 гача			
		4-синф	31 дан 40 гача			
3	3 кадастр гуруҳи	5-синф	41 дан 50 гача			
		6-синф	51 дан 60 гача			
4	4 кадастр гуруҳи	7-синф	61 дан 70 гача	58,2	64	3
		8-синф	71 дан 80 гача			
5	5 кадастр гуруҳи	9-синф	81 дан 90 гача			
		10-синф	91 дан 100гача			

Манба: Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалиги маълумотлари

1-жадвалда Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасининг тавсифи берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигини экин майдони 4 кадастр гуруҳининг 7 ва 8 синфига оид бўлиб уни ўртача бонитет балли 64 га тенг. У 3 та суғориш картасидан иборат. Суғориш карталарини ўртача хажми 20 гектарни ташкил этади. Суғориш карталари қуйидагилардан иборат. Биринчи суғориш картасини хажми 21 гектар, иккинчи суғориш картасини хажми 15,2 гектар, учинчи суғориш картасини хажми 22 гектарга тенг бўлиб жами экин майдони 58,2 гектарни ташкил этади.

«Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигининг ерлари унумдор ҳисобланиб тупроғи қора бўз тупроқ бўлиб у кимёвий элементларга ва чириндига анча бойдир. Ушбу ерларда самарали технологияларни қўллаш асосида пахта ва буғдой экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган.

2-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014йил 2012 йилга нисбатан.	
						фарқи+,-	салмоғи %
1.	Жами экин майдони	га	58,2	58,2	58,2	-	100,0
	Пахта майдони	га	29,9	33,2	33,8	3,9	113,0
	Салмоғи	%	51,4	57,0	58,1	6,7	113,0
	-ҳосилдорлик	ц/га	26,9	28,9	26,3	-0,6	97,8
	-ялпи ҳосил	ц	804,3	959,5	888,9	84,6	110,5
	Буғдой майдони	га	28,3	25,0	24,4	-3,9	86,2
	Салмоғи	%	48,6	43,0	41,9	-6,7	86,2
	-ҳосилдорлик	ц/га	32,6	36,2	34,3	1,7	105,2
	-ялпи ҳосил	ц	922,6	905,0	836,9	-85,7	90,7
2.	Ходимлар сони	нафар	14,0	14,0	20,0	6,0	142,9
	-пахтада	нафар	10,0	10,0	14,0	4,0	140,0
	-буғдойда	нафар	4,0	4,0	6,0	2,0	150,0
3.	Ерни банитет бали	балл	64,0	64,0	64,0	-	100,0

Манба: Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалиги маълумотлари

Жами экин майдонига нисбатан 2014 йилда пахта ва ғалла майдонини 58,1\41,9 фоизни ташкил этган. Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача бўлиб, гектарига 26,3 центнерни ташкил этади. Буғдой ҳосилдорлиги эса 34,3 центнерга тўғри келди. Лекин хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кўтариш имконияти мавжуд. Фермер хўжаликда пахтани «Андижон-35» нави, буғдойни эса «чиллаки» навлари экилади.

Жумладан, хўжаликка ўзоқ муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 64 ни ташкил этиб, уни кўтариш чора тадбирларини кўриш лозим. Яъни ерни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мумкин.

Ундан ташкари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имконияти ҳам бор. Фермер хўжаликда йилига 2014 йил ҳолатига кўра 20 нафар ходим ишлаб, улардан 14 таси пахтачиликда, қолган 6 таси ғаллачиликда фаолият кўрсатган.

3-жадвалда Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг аъзолари ва шартнома асосида ишлаётган ходимлари таркиби тўғрисида маълумот берилган.

**Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот**

3-жадвал

№	Аъзоларнинг исми ва шарфи	Туғилган йили	Маъл умоти	Касби	Иш стаж и	Қари ндош лиги	Кўшимча эғаллаган касби
1	Абдуллаев Х	19.10.1964	олий	агроном	25	-	Ошпаз
2	Салимов С	20.11.1975	ўрта	ишчи	13	йўк	йўк
3	Набижонова Д	14.09.1979	ўрта	ишчи	12	йўк	йўк
4	Кодирова С	25.05.1981	ўрта	ишчи	14	йўк	йўк
5	Расулова Х	23.03.1984	ўрта	ишчи	10	йўк	йўк
6	Маматисаева М	16.06.1985	ўрта	ишчи	12	йўк	Хамшира
7	Бегматова К	30.04.1977	ўрта	ишчи	11	йўк	йўк
8	Аскарова Н	22.01.1988	ўрта	ишчи	13	йўк	йўк
9	Валиева Б	03.11.1983	ўрта	ишчи	9	йўк	Тикувчи
10	Эрматова Д	10.08.1988	ўрта	ишчи	12	йўк	Йўк
11	Атабаев А	12.05.1987	ўрта	хисобчи	9	йўк	Ўқитувчи
20	Хасанов Х	21.07.1979	ўрта	тракчи	13	йўк	Шофёр

Манба: Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалиги маълумотлари

Хўжаликда фаолият кўрсатаётган аъзолар ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай фикрга келиш мумкин эмас. Сабаби хўжаликда фаолият кўрсатаётганлар орасида фақатгина хўжалик рахбари олий маълумотлидир.

Фермер хўжалиги рахбари Абдуллаев Хабибулло 1937 йил 25 апрельда таваллуд топган. Маълумоти олий. 25 йил иш стажига эга. Қолган ходимлар эса ўрта махсус маълумотига эга бўлиб, уларни орасида хисобчи, ишчи ва сувчилардан иборат.

Ходимларнинг кўпчилиги дехконлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг касбий тайёргарлигига ва маълумотига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда ҳар бир ходимнинг камида 2-3 та бир бирига яқин бўлган касбий тайёргарликларни эгаллаши алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжаликда ишловчилар орасида барчаси оилалидир.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини моддий техник базаси яхши таъминотга эгадир.

4-жадвалда Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини асосий воситалари акс эттирилган. Асосий воситалар деганда- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга қисман ўтказиб борадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

4-жадвал жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигида асосий воситалар билан таъминланганлик ҳолати анча қониқарли ҳисобланади.

Фермер хўжалигида ТТЗ-80-11, ТТЗ-80-10 тракторлари бор. Бундан ташқари 2 та култиватор, 2 та сеялка, 1 та чизел, 1 та текислаш агрегати, 1 та омоч каби мосламалари ҳам бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг техник ҳолати талаб даражасида бўлиб, мунтазам техник текширувлардан ўтказилиб турилади.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини моддий техник базаси.

4-жадвал

ТН	Техника тури	Сони	Қолдиқ қиймати	Ҳолати
1	ТТЗ-80-11	1	15.7 млн	Соз
2	ТТЗ-80-10	1	24 млн	соз
3	култиватор	2	0	соз
4	сеялка	2	0	соз

5	Чизел	1	0	соз
6	Текислаш агрегати	1	0	Соз
7	Омоч	1	0	Соз

Манба: Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалиги маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг умумий сони 20 нафарни ташкил этиб улардан 5 нафари аъзолар, қолган 15 нафари эса шартнома асосида ишлаётганлардир.

Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалиги раҳбари Абдуллаев Хабибилло Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Охунбобоев массивининг Намуна қишлоқ фуқаролар йиғинида 1964 йилда туғилган. Маълумотли олий, қўшимча мутахассислиги ошпаз. 2006 йилдан бошлаб «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигини бошлиғи бўлиб ишламоқда

Фермер хўжалигини истиқболдаги ривожланиши кўп жиҳатдан уни жамоасининг касбий тайёргарлиги ва хўжаликдаги мутахассис кадрлардан қай даражада самарали фойдаланишига боғлиқдир. Юқоридагаларни ҳисобга олиб фермер хўжалигида аъзоларнинг касбий тайёргарлигини ва маълумотини ошириш чора тадбирларининг кўриш ўта долзарб масала ҳисобланади. Бу соҳада фермер хўжалиги махсус дастур тузиб уни босқичма-босқич амалга оширилишини таъминланиши лозим, акс ҳолда фермер хўжалигини замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш ҳамда уни техник технологик ва иқтисодий мустақиллигини тўла таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш имконияти бўлмайди.

Избоскан туманидаги «Рустам Достон орзуси» фермер хўжалигида мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот билан танишиб чиққанимизда ТТЗ - 80 2та чопиқ трактор мавжудлигини кўриб ўтдик. Хўжаликда трактор чопиқ ва экишда фойдаланади. Бундан кўришиб турибдики таъминланганлик даражаси ўртача бу бир тарафдан, иккинчи тарафдан бундай кичик фермер хўжалиги учун

техника сотиб олиш қимматга тушади. Шу сабабли хўжалик тумандаги МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади.

2.2. Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим саналади. Чунки, қишлоқ хўжалиги асосий саноат корхоналаримизнинг таянчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг

бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин. Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Бундан кўринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют миқдор билан бир қаторда яна бир абсолют миқдор – қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурсларни (жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга(харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аниқланади:

$$IS = \frac{C(n)}{P(x)} ; \frac{P(x)}{C(n)}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигини билдиради. Самара қанча

катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг абсалют миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда самарадорлик ишлаб чиқаришдан кутилган асосий якунловчи иқтисодий натижа бўлиб у ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий самарадорликка эришиш масаласи айниқса бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш иқтисодий самара берсагина амалга оширилади.

Иқтисодий самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб у бир қатор омилларнинг таъсири асосида шаклланади ва охир оқибатда харажатлар билан даромадларни таққослаш асосида аниқланади. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланади.

1. Иқтисодий самарадорликнинг натурал кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин

1.1. Ҳосилдорлик (маҳсулдорлик)

1.2. Ер бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот турлари ва ҳажми

1.3. Меҳнат бирлиги (1 ходим) ҳисобига олинган маҳсулот турлари ва ҳажми

1.4. Ер бирлиги ҳисобига тўғри келадиган минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳажми.

1.5. Асосий воситаларнинг бирлигига тўғри келадиган иш ҳажми ва маҳсулот миқдори.

1.6. Минерал ўғитларнинг (турлари бўйича) бирлиги ҳисобига олинган маҳсулотларнинг ҳажми.

2. Иқтисодий самарадорликнинг қиймат кўрсаткичлари.

2.1 Оддий қиймат кўрсаткичлари яъни баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи маҳсулот, товар маҳсулот, ялпи даромад, фойда ва шу кабилар.

2.2. Синтетик қиймат кўрсаткичлари. Яъни ер, меҳнат ва иқтисодий ресурслар бирлиги ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, фойда, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, фонд билан қуролланиш, фонд сиғими, рентабеллик ва бошқалар.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда синтетик қиймат курсаткичлари алоҳида ўрин тутди. Улар ичида эса рентабеллик якунловчи, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб у бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олинган фойда билан характерланади.

Избоскан туманида қишлоқ хўжалиги экинлари олиши мумкин бўлган йиллик ҳарорат ҳамда ёғинлар миқдори етарли бўлиб, экин майдонлари пахта ва ғалла етиштириш талабларига жавоб беради.

Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомида 3 йил мобайнидаги таркиби, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотларни юқорида батафсил келтирилган.

5-жадвалда “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигини иқтисодий самарадолиги таҳлил этилган. Таҳлил шуни кўрсатдики охирги икки йилда фермер хўжалигини иқтисодий самарадолиги маълум даражада яхшиланган. Буни биз самарадорликни якунловчи қисми бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан рентабеллик даражаси 1,8 фоизга ошган. Хўжаликнинг эришган рентабеллик даражаси талабдан паст бўлиб уни оптимал даражага етказаш учун камида 40 фоизга

кўтариш талаб қилинади. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлмайди.

**Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигининг
иқтисодий самарадорлиги**

5-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	58,2	58,2	58,2	100,0
	а) пахта	га	29,9	33,2	33,8	113,0
	б) бугдой	га	28,3	25	24,4	86,2
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	67513,2	79162,3	84291,3	124,9
	Шундан иш хаки	м.с	18113,7	20773,2	23202,4	128,1
3	Ходимлар сони	нафар	14	14	20	142,9
4	Ялпи маҳсулот	м.с	79823,5	98240,6	101161,8	126,7
5	Фойда	м.с	12310,4	19078,2	16870,5	137,0
7	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1371,5	1688,0	1738,2	126,7
	б) фойда	м.с	211,5	327,8	289,9	137,0
8	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	5701,7	7017,2	5058,1	88,7
	б) иш хаки	м.с	1293,8	1483,8	1160,1	89,7
9	Рентабеллик	%	18,2	24,1	20,0	1,8

Манба: Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Фермер хўжалигининг бошлиғини ўз соҳада ўз олдига қўйган мақсадлари мавжуд бўлиб уларни амалга ошириш хўжаликни иқтисодий самарадорлигини кескин оширилишини таъминлаш мумкин. Жумладан Истиқболда фермер хўжалигини ерини мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосида уни унимдорлигини кўрсатиш, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ундан ташқари фермер хўжалигида қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

6-жадвалда “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

**Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида
пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

6-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	29,9	33,2	33,8	113,0
2	Хосилдорлик	ц/га	26,9	28,9	26,3	97,8
3	Ялпи хосил	ц	804,3	959,5	888,9	110,5
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	47164,7	57875,8	64248,1	136,2
	Шундан иш хаки	м.с	13677,8	16494,6	18953,2	138,6
5	Ходимлар сони	нафар	10	10	14	140,0
6	Ялпи махсулот	м.с	50895,1	67390,0	72065,5	141,6
7	Фойда	м.с	3730,4	9514,2	7817,3	209,6
8	Фермер даромади	м.с	17408,2	26008,8	26770,5	153,8
9	1ц пахтани таннархи	сум	58640	60320	72275	123,3
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	63278	70236	81069	128,1
11	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1702,2	2029,8	2132,1	125,3
	б) фойда	м.с	124,8	286,6	231,3	185,4
12	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	5089,5	6739,0	5147,5	101,1
	б) иш хаки	м.с	1367,8	1649,5	1353,8	99,0
13	Рентабеллик	%	7,9	16,4	12,2	4,3

Манба: “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра охириги уч йилда фермер хўжалигини пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги барча кўрсаткичлар бўйича ижобий томонга ўзгарган. Буни биз ер бирлиги ва ходим хисобига олинган ялпи махсулот, фермер даромади ва иш хақини кўпайганлигидан кўришимиз мумкин. Натижада самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 7,9 фоиздан 12,2 фоизга кўтарилган.

Фермер хўжалигида эришилган рентабеллик даражасини камида 30 фоизга кўтариш керак. Шундагина фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлади.

7-жадвалда фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларни таркиби акс эттирилган.

Избоскан тумани “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

7-жадвал

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	27072,6	57,4	33278,6	57,5	37456,7	58,3
	а) уруглик	2405,4	5,1	3356,8	5,8	3790,6	5,9
	б) угитлар	11130,9	23,6	13369,3	23,1	15740,8	24,5
	в) Ё.М.М	8584,0	18,2	9433,8	16,3	11307,7	17,6
	г) иш ва хизматлар	1933,8	4,1	2778,0	4,8	3083,9	4,8
	д) бошқа моддий харажатлар	3018,5	6,4	4340,7	7,5	3533,6	5,5
2	Мехнат хаки харажатлари	13677,8	29	16494,6	28,5	18953,2	29,5
3	Ижтимоий ажратмалар	3867,5	8,2	5035,2	8,7	4433,1	6,9
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	1462,1	3,1	1794,2	3,1	2312,9	3,6
5	Бошқа харажатлар	1084,8	2,3	1273,3	2,2	1092,2	1,7
	жами	47164,7	100	57875,8	100	64248,1	100

Манба: “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарфланаётган барча харажат турларни ошиб бориши билан бир қаторда уларни таркибида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан моддий харажатларнинг улуши қисқаргани ҳолда бошқа харажатларнинг хиссаси мос ҳолда кўпаймоқда, моддий харажатларнинг таркибида ҳам ўзгаришлар содир этилмоқда. Бизни фикримизча хўжаликда моддий харажатлар хиссасини пасайишини ижобий ўзгариш деб қабул қилиш мумкин эмас. Сабаби уни таркибига пахта хосилдорлиги бевосита таъсир кўрсатувчи харажатлар кирганлиги учун уларни улушини қисқартирилишига йўл қўймаслик керак.

8-жадвалда “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги Избоскан туманидаги фермер хўжаликлари билан пахта етиштиришнинг солиштира иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

**Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги
Избоскан туманидаги фермер хўжаликлари билан пахта
етиштиришнинг солиштира иқтисодий кўрсаткичлари**

8-жадвал

№	Курсаткичлар	Ул чов бирлиги	Избоскан тумани	Рустам Достон фермер хўжалиги	%
1	Экин майдони	га.	8350	33,8	X
2	Хосилдорлик	ц\га	33,3	26,3	79,0
3	Ялпи хосил	ц	27767	888,9	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	млн.с	22988,0	64248,1	X
5	Шундан: иш хаки	млн.с	8375	18953,2	X
6	1ц пахтани таннархи	сум	73510	72275	98,3
7	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	79077	81069	102,5
8	Ялпи маҳсулот	м.с	2195731,1	72065,5	X
9	Фойда	м.с	2172743,1	7817,3	X
10	1 га ҳисобига:				
11	а) ялпи маҳсулот	м.с	896,0	2132,1	238,0
12	б) фойда	м.с	260,2	231,3	88,9
13	Рентабеллик	%	8,2	12,2	3,8

Манба: “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Агарда фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарфланаётган барча харажат турларни ошиб бориши бир оз бўлсада қисқартиришга эришилса фермер хўжалиги фойдаси янада ортишига эришиш мумкин.

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида бир қатор кўрсаткичлар Избоскан туманидаги фермер хўжаликларига қараганда юқори бўлгани ҳолда гектар ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажми ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари пастдир. Бу ҳолат рентабелликда ўз аксини тўла топган, яъни фермер хўжалигини эришилган рентабеллиги Избоскан туманидаги фермер хўжаликларининг кўрсаткичидан 3,8 фоиз юқоридир.

Қуйидаги 9-жадвалда Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида бўғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида бўғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

9-жадвал

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	28,3	25	24,4	86,2
2	Хосилдорлик	ц/га	32,6	36,2	34,3	105,2
3	Ялпи хосил	ц	922,6	905,0	836,9	90,7

4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	20348,4	21286,5	21832,7	107,3
	Шундан иш хаки	м.с	4436,0	4278,59	4628,5	104,3
5	Ходимлар сони	нафар	4	4	6	150,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	28928,4	30850,5	31694,2	109,6
7	Фойда	м.с	8580,0	9564,0	9861,4	114,9
8	Фермер даромади	м.с	13016,0	13842,6	14490,0	111,3
9	1ц бугдойни таннари	сум	22056	23521	26087	118,3
10	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	31356	34089	37870	120,8
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1022,2	1234,0	1298,9	127,1
	б) фермер даромади	м.с	459,9	553,7	593,9	129,1
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	7232,1	7712,6	5282,4	73,0
	б) иш хаки	м.с	1109,0	1069,6	771,4	69,6
13	Рентабеллик	%	42,2	44,9	45,2	3,0

Манба: “Рустам Достон орзуи” фермер хўжалиги маълумотлари

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш харажатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади.

Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва харажатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади. Мазкур фермер хўжалиги охириги йилларда бугдой етиштириш бўйича ҳам бир талай ишлар олиб боилмоқда. Бугдойнинг экин майдонларига мос навлари танланиб, хосилдорликни оширишга ҳаракат қилинмоқда. Шунга қарамай фермер хўжалигида харажатларни паст даражада бўлиши талаб этилмоқда.

Бугдой етиштириш бўйича ҳам хўжаликнинг самарадорлиги талаб даражасидан пастдир. Буни самарадорликнинг асосий якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини бор йўғи 45,2 фоизни ташкил этиши буни исботлаб турибди. Бу эса фермер хўжалигининг умумий иқтисодий кўрастаткичларига таъсир этаётганини кўрсатмоқда.

Хўжаликда иқтисодий самарадорликни ошириш йўлида олиб борилаётган тадбирлар натижасида самарадорликнинг асосий кўрсаткичи

бўлган рентабеллик даражаси 42,2 фоиздан 45.2 фоизга кўтарилган. 2012 йилга нисбатан оладиган бўлсак бу кўрсаткич 3.0 фоизга ортмоқда. Лекин, фермер хўжалиги буғдой етиштириш бўйича тўла имкониятлардан фойдаланиши, жумладан замонавий агротехника усуллари қўллаши ва ҳосилдорликни камида 55 фоиз рентабелликка эришиши чора-тадбирларини кўриши лозим.

Қуйидаги 10-жадвал биз буғдой етиштиришнинг харажатларига тўхталиб ўтамиз. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини моддий харажатлар эгаллайди ва 2012-2014 йилларда мос ҳолда 65,1 ва 66,2 фоизни ташкил қилган. Моддий харажатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби харажатлар киради.

Избоскан тумани Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

10-жадвал

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	13246,8	65,1	14006,5	65,8	13268,6	66,2
	а) уруғлик	2360,4	11,6	2554,4	12,0	2545,5	12,7
	б) ўғитлар	3622,0	17,8	3703,9	17,4	3607,8	18,0
	в) Ё.М.М	2401,1	11,8	2597,0	12,2	2325,0	11,6
	г) иш ва хизматлар	3784,8	18,6	3916,7	18,4	3627,8	18,1
	д) бошка моддий харажатлар	1078,5	5,3	1234,6	5,8	1162,5	5,8
2	Меҳнат хақи харажатлари	4436,0	21,8	4278,6	20,1	4249,2	21,2
3	Ижтимоий ажратмалар	1078,5	5,3	1064,3	5,0	1042,2	5,2
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	793,6	3,9	894,0	4,2	721,6	3,6
5	Бошка харажатлар	793,6	3,9	1043,0	4,9	761,6	3,8
	жами	20348,4	100,0	21286,5	100,0	20043,2	100,0

Манба: “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Уруғлик учун харажатлар 2012 йилда 2360,4 минг сўм, 2014 йилда 2545,5 минг сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий харажатларда 11,6-12,7 фоизни ташкил қилган.

11-жадвалда “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги Избоскан туманидаги фермер хўжалиги билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида бир катор кўрсаткичлар Избоскан туманидаги фермер хўжаликларига қараганда юқори бўлгани ҳолда гектар ҳисобига тўғри келадиган фойда хажми ва маҳсулот таннарни кўрсаткичлари пастдир.

Бу ҳолат рентабелликда ўз аксини тўла топган, яъни фермер хўжалигини эришилган рентабеллиги Избоскан туманидаги фермер хўжалигининг кўрсаткичидан 6,1 фоизга юқори. Яъни Избоскан туманидаги фермер хўжалигининг кўрсаткичи 39,1фоиз, Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида рентабеллик 45,2 фоизни ташкил этади.

Избоскан тумани Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини Избоскан тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари. (2014 й)

11- жадвал

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Избоскан тумани	Рустам Достон орзуси фермер хўжалиги	%
1	Экин майдони	га.	6495	24,4	X
2	Хосилдорлик	ц\га	65,9	34,3	52,1
3	Ялпи хосил	ц	427800,0	768,3	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	11287075,2	20043,2	X
5	Шундан: иш хаки	м.с	2257,4	4628,5	X
6	1ц пахтани таннарни	сум	26384	26087	98,9
7	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	36690	37870	103,2
8	Ялпи маҳсулот	м.с	15695982,0	29096,3	X
9	Фойда	м.с	4408906,8	9053,1	X
10	1 га ҳисобига:				
11	а) ялпи маҳсулот	м.с	2416,6	1192,5	49,3
12	б) фойда	м.с	678,8	371,0	54,7
13	Рентабеллик	%	39,1	45,2	6,1

Манба: “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалиги маълумотлари

Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорликни ошириш йўлида олиб борилаётган тадбирлар натижасида самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик

даражаси 2014 йилда 45.2 фоизга кўтарилган. Бу мамлакатимиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб –қуватлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида қаралиб, фермер хўжаликлари ривожланиши учун кенг имкониятлар яратокда. Лекин, фермер хўжалиги буғдой етиштириш бўйича тўла имкониятлардан фойдаланиши, жумладан замонавий агротехника усуллари қўллаши ва ҳосилдорликни камида 55 фоиз рентабелликка эришиши чора-тадбирларини кўриши лозим.

2.3. Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигида рентабелликни ошириширишга таъсир этувчи омиллар

Корхоналарнинг фойдалилик ёки зарарлилик даражасини белгилаш учун рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади. Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир.

Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ}$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган

охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади, унинг бир қисми фойдани ташкил қилишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва нихоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради:

1.Ўлчаш вазифаси - фойдадан ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида фойдаланилади.

2.Тақсимлаш вазифаси - қўшимча маҳсулотни тақсимлаш воситаси сифатида.

3.Рағбатлантириш вазифаси - иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллиги сотилган маҳсулот бўйича ҳисобланади ва ифодалаш шаклига боғлиқ ҳолда абсолют ва нисбий кўрсаткичларда характерланади. Фойдани аниқлаш услуги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1995 йил 27 январ 9-онли буйруғига асосан тасдиқланган «Фойдани ҳисоблаш низоми» бўйича, кейинчалик, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сон қарорига асосан олиб борилади ёки «Молиявий натижаларни шакллантириш» бўлимидаги маълумотлар асосида ҳисобланади.

Ялпи фойда (зарар) (ЯФ) - қишлоқ хўжалик корхонасида товар маҳсулотини сотишдан тушган тушум, яъни соф пул тушумидан (ССТ)сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизмат-ларни ишлаб чиқариш таннархи (ИТ) олиб ташланади. Бунда соф пул тушуми жами пул тушумидан қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, ташқарига чиқарилган товар солиғи,

товар сотиб олувчи товарни қайтариб бериш мумкин бўлган скидкаларни (табiiй камайиш) чиқариш йўли билан аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ-ИТ}$$

Корхона асосий фаолиятидан олинган фойда (зарар) (АФФ). Буни аниқлаш учун ялпи фойда (зарар)дан сотиш ва маъмурий харажатлар (даврий харажатлар) (ДХ) айрилиб, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари (БД) ва харажатлари(БЗ) ҳам мос равишда қўшилиб ва чиқариб ташланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ}$$

Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) (УФ). Асосий фаолиятдан олинган фойда(зарар)дан олинган дивидентлар, заёмлар бўйича фоизлар, валютанинг курс фарқи, бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар (МД) қўшилиб, харажатлар ва банк процентлари (БХ) айрилади.

$$\text{УФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МХ}$$

Солиқ тўлагунча фойда(зарар)(СТФ) умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавкулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан қурилган фойда (ФФ) ва минус зарар (ФЗ) сифатида аниқланади:

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ}$$

Соф фойда (зарар) (СФ). У солиқ тўлангандан кейин хўжалик субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни (ДС) ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни (БС) чиқариб ташланган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ДС} - \text{БС}$$

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш рентабеллигининг мутлоқ кўрсаткичи билан бир қаторда унинг нисбий кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик нормаси ва фойда нормасини ифода этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари доирасида айрим экинлар ва чорва ҳайвон турлари

доирасида, айрим маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги аниқладанади. Бу кўрсаткични ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида қилинган харажатларнинг қоплаш муддатларини аниқлашда универсал деб ҳисобланади.

Шу билан бирга фойда самарадорликни ягона ва бутун камраб олувчи кўрсаткич ҳисобланмайди. Янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида, у моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулотни пулда ифодаланган қисмини ифодалайди. Унинг миқдори маълум даражада маҳсулот баҳоси даражасининг асосланганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, фойда структуравий ўзгаришларга, юқори рентабелли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ва паст рентабелли маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш йўли билан ҳам ошиши мумкин. Рентабелликнинг абсалют кўрсаткичи фойданинг абсалют миқдорида ифодаланади.

$$Д = ПТ - МХ$$

Фойданинг абсалют миқдори муҳим аҳамиятга эга, у иқтисодий рағбатлантириш фондини вужудга келтиришни миқдорига боғлиқ. Шу билан бирга фойданинг абсалют миқдори ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини тўла баҳолашга имкон бермайди. Амалиётда ишлаб чиқаришда ҳар турдаги маҳсулот фойданинг абсалют миқдори кўп ёки оз олиниши мумкин. Икки ҳолатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш рентабелли бўлади, лекин унинг даражаси турлича бўлиши мумкин, чунки бу таннархга боғлиқ. Шунинг учун классик иқтисодчилар шундай деб ёзадилар: «Бойлик даражаси - маҳсулотнинг абсалют миқдори билан эмас, қўшимча маҳсулотни нисбий миқдори билан ўлчанади». Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллигини тўла характерлаш учун нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: рентабеллик даражаси ва фойда нормаси. Рентабеллик даражаси соф фойдани коммерция таннархига бўлиш орқали аниқланади ва фоизларда қуйидаги формулалар билан ҳисобланилади:

$$P = \frac{\Phi}{TT} * 100, \quad P = \frac{ПТ-КТ}{ТТ} * 100, \quad P = \frac{ПТ}{ТТ} * 100$$

Ўзбекистон Республикасининг корхоналар банкротлиги ва санациялари масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан (1997 йил 17 апрел 4-сон буйруғи) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан (1997 йил 30 май) келишилган ҳолда "Корхонанинг молиявий таҳлилига доир услубий тавсиялар (инструкция)" бўйича олиб борилади. Ушбу йўриқнома бўйича рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

1. Маҳсулот сотишнинг рентабеллиги коэффициентини сотилган маҳсулот бирлигига қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу коэффициент нарх белгилаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва хўжалик юритувчи субъектнинг сотилган маҳсулот таннариhini назорат қилиб туриш қобилиятини кўрсатади. Коэффициент динамикаси нархларни қайта кўриб чиқиш ёки моддий захиралардан фойдаланиш устида назоратни кучайтириш зарурлигидан далолат беради. Унинг пасайиши турли сабабларга кўра корхона маҳсулотларига талабнинг пасайганлигини кўрсатади. Рентабелликнинг ушбу кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$\Phi(З) \\ P_{м.с} = \frac{\Phi(З)}{Т} < 0$$

Бунда $\Phi(З)$ -сотишдан олинган фойда(зарар)

Т-пул тушуми

Агар маҳсулот сотиш рентабеллиги коэффициентини ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

2. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активларнинг рентабеллигининг коэффициентини асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активлардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради, яъни

қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятида ишлатадиган активлардан фойда ёки зарар кўриш даражасини кўрсатади:

$$CF(3)$$

$$P_{ав} = \frac{CF(3)}{A_1} < 0$$

$$A_1$$

бунда, CF(3)-солиққа тортишга қадар бўлган фойда(зарар)

A1-узоқ муддатли активлар

Агар активларнинг рентабеллиги коэффиценти (зарар-лилик кўрсаткичи) ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

3.Хусусий капиталнинг рентабеллиги коэффиценти ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Коэффициент динамикаси корхона акциялари котировка даражасига таъсир қилади. Бу коэффициент даражаси инвестиция қилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш ва бу кўрсаткични ушбу маблағларни бошқа қийматли қўғозларга сарфлашдан олиши мумкин бўлган даромад билан пасайиши ҳам маҳсулотларга талабнинг пасайгани ва активларнинг ортиқча тўпланиб қолганидан далолат беради:

$$CF(3)$$

$$P_{хк} = \frac{CF(3)}{X_{кк}}$$

$$X_{кк}$$

Бунда, Xкк- қишлоқ хўжалиги хусусий капитал қиймати.

Агар хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси ушбу кўрсаткич бўйича зарар билан яқунланган ҳисобланади.

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар.

1.Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боғлиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори абсолют кўпаяди. Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали фойда миқдорига таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига боғлиқ. Бундан ташқари пул тушуми сотиш каналларига ҳам боғлиқ. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдорига анча сезиларли таъсир кўрсатади.

2.Ташқи омилларга маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар ўртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки бу маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек рақобатчиларнинг мавжудлиги ёки қатнашмаслиги, сотиладиган маҳсулот миқдорига, баҳо даражасига ва пировард натижада фойда миқдорига таъсир қилади.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг
рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив
характерга эга. Экстенсив омиллар – бу**

**рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг
миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи
омиллардир. Интенсив омиллар – сотиш баҳоларининг
ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали
таъсир кўрсатадиган омиллардир.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса, маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда, шунингдек у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги рентабелликнинг ўртачасидан фойдаланилади. Ўртача кўп йиллик баҳолар кўрсаткичида сотилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати тўғрисида ўртача маълумотлар акс этади, маҳсулот бирлигининг ўртача кўп йиллик таннархида эса иқлим шароити ва ишлаб чиқариш шароитларидаги ўзгаришлар таъсири акс этади. Бир ва бир турдаги маҳсулотларнинг қатор йиллардаги ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўзгаришидаги барқарор тенденциялар ҳақида объектив маълумотлар олиш имкониятини беради; турли хилдаги маҳсулотлар ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш эса, қайси турдаги маҳсулот қулайроқ, даромадлироқ эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаш, бир томондан, маҳсулот сотишдан келган пул тушумини кўпайтириш имкониятларини аниқлашга, бошқа томондан— маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

**3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер
хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалалари.**

**3.1. Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни барқарор
ривожлантириш омиллари.**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бўйича фаолият кўрсатаётган илғор фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида улар томонидан етиштирилаётган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирларни кўриш лозим. Ушбу жараёни самарали амалга оширилиши охир-оқибатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида фермер хўжаликларида мос ҳолдаги таркибий ўзгаришларни ўтказилишини тақозо этади. Жумладан, асосий эътиборни фермер хўжаликларида интенсив омиллардан фойдаланишга қаратиш зарур.

Таркибий ўзгаришлар асосида фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва ички тузилиши ўзгариб у кўп тармоқли хўжаликка айланиши лозим. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш талабларига тўла мос келади. Юқоридаги йуналишлар бўйича туман фермерлари кенгаши, массивлар ва фермер хўжаликлари узлари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича узларининг истиқобли дастурларини ишлаб чиқишиб бу соҳадаги барча ишларни улар асосида ташкил этишилари мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради.

Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи канча паст бўлса олинадиган фойда ҳажми мос ҳолда шунча юқори бўлади. Лекин қишлоқ хўжалигида ҳали бу талаблар амалга оширилганича йўқ. Унда аксинча пахта ва ғалла маҳсулотларининг таннархи мунтазам кўтарилиб бормоқда. Ушбу

масала бу соҳада тузиладиган фермер хўжалигининг дастурида ўзининг ижобий ечимини топиши зарур. Маҳсулот сифати эса уни турига қараб ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдалиниш муддати, нави, софлиги, тозаллиги каби бир қатор хусусиятилари билан белгиланади.

Сифат унда мужассамланган хоссалар мужмуаси бўлиб аниқ бир эҳтиёжни қондиришга яроқлилигини билдиради. Сифат атамаси иқтисодий жиҳатдан маҳсулот ва хизматларни хосса ва таснифлари тўплами бўлиб маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Бу соҳада фермер хўжалиги давлат буюртмаси бўйича сотаётган пахта хом-ашёсини сифат жиҳатдан янада яхшилаш чораларини кўриши лозим. Фермер хўжаликлари аввало илғор фермер хўжаликлари томонидан сотилган пахта хом-ашёсини сифати бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида бир қатор ҳулосаларга келиш мумкин.

Саноат навлари ва синфлари ўртасидаги табақаланиш жуда юқори бўлиб бу фермер хўжаликларининг пахта етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлигини кескин ўзгаришига олиб келиши мумкин. Жумладан, туман фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган ўрта толали пахта навлари бўйича 1-саноат навининг 1-синфига белгиланган харид баҳоси 5-саноат навининг 3-синфига белгиланган харид нархига нисбатан 4,0 мартадан зиёдроққа юқоридир. Илғор фермер хўжаликлари пахта хом-ашёсини тўлаллигича 1-саноат навининг 1-синфига сотганларида эди уларнинг иқтисодий самарадорлиги мос ҳолда юқори бўлиб, улар оптимал рентабелликка эришган бўлар эди. Лекин уларнинг пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш имкониятлари мавжуд. Бу соҳада фермер хўжаликлари олдида пахта таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича бир қатор вазифалар турибди. Улар юқорида айтилган фермер хўжаликларининг бу соҳада тузиладиган истиқоболли дастурида ўз аксини топиши керак. Улар жумласига интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида тупроқ унумдорлигини кескин яхшилаш йўли билан пахта ҳосилдорлигини камида 40-45 центнерга кўтариш, ишлаб

чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, пахта хомашёсининг сифатини яхшилаш ва уруғлик пахта етиштириш ҳисобига бир центнер пахтани ўртача сотиш баҳосини кескин ошириш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Фермер хўжаликларида пахта ва буғдой дони етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтаришнинг энг асосий омилларидан бири бу маҳсулот таннархини пасайтиришдир. Мазкур масалани ҳал этишда энг аввало уларда амалга оширилаётган харажатларини чуқур таҳлил этиш асосда улардан самарали фойдаланиш йулларини аниқлаш талаб этилади. Истиқболда фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан мустакиллиги таъминланишини ҳисобга олиб улар ўзларининг фаолиятини ҳозирдан бошлаб бозор талабларига боскичма-боскич мослаштириб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Пахта етиштиришда янги технологияларни қўллаш пировардида юқори иқтисодий самара беради. Лекин, бугунги кунда аксарият маҳсулот етиштирувчиларни иқтисодий ҳолати катта миқдорда маблағ талаб қиладиган янги технологияларни, жумладан, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш, томчилатиб суғориш билан бирга минерал ўғит бериш каби технологияларни жорий этишга имкон бермайди.

Янги технологияларни юқори пировард натижа беришини ҳамда тупроқ ва сув экологиясини сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб улар давлат томонидан қуйидаги йўналишларида бевосита қўллаб-қувватланиши керак. Улар жумласига қуйидагилар киради;

1. Пахта ва буғдой маҳсулотлари учун шартномавий муносабатларини сақланиб қолиши ҳозирча бир қатор ижобий натижаларга олиб келмоқда. Айниқса пахта етиштиришда давлат буюртмаси ўз самарасини бермоқда. Сабаби хўжалик пахта хом ашёсини сотиш учун харидор изламайди. Давлат фермер хўжалиги етиштириган пахта хом-ашёси учун қафолатли харидордир. Лекин шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш асосида томонларнинг мажбуриятларини ошириш зарур.

2. Шартномавий муносабатларини самарадорлигини ошириш давлат эҳтиёжи учун зарур бўлган пахта ва буғдой махсулотларини давлат харид нархларида янада кўпроқ етказиб бериш учун хўжалик аъзоларини иқтисодий ижтимоий жихатдан рағбанлантириш ва уларни моддий манфаатдорлигини ошириб бориш зарур деб ҳисоблаймиз.

3. Махсулот етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш шартномавий муносабатларини самарадорлигини ошириш учун ердан самарали фойдаланиш асосида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини ошириб бориш зарур. Бунинг учун минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб бориш, янги ва тезпишар, юқори ҳосил берадиган пахта ва буғдой навларини кўпроқ экиш.

4. Моддий харажатларни тежаш ҳисобига ялпи даромадни кўпайтириш орқали ҳам шартномавий муносабатларини самарадорлигини ва аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мумкин. Бунда махсулот ишлаб чиқаришда меҳнат сиғимини камайтириш, минерал ўғитлардан тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорлиги даражасига қараб фойдаланиш, бошқариш харажатларини тежаш керак бўлади.

5. Бозор талабларига мос ҳолда пахта ва буғдой махсулотларига шартномавий мажбуриятларини ҳамда харид баҳоларини белгилаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш асосида махсулот етиштирувчиларни рағбатлантириб бориш керак. Бунинг учун фермер хўжалиги махсулотлари баҳолари билан хўжаликларга хизмат кўрсатувчи саноат корхоналарини махсулотлари баҳоларини эквивалентлигига эришиб бориш лозим. Бунга эришиш албатта давлатнинг ўз зиммасида қолиши керак.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида уларни технологик мустакиллигини тўла таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур. Фермер хўжаликлари ўзларининг меҳнат жамоаси билан камида 80-85 фоиз технологик жараёнларни ўз кучлари билан самарали амалга ошира олишлари керак.

3.2. Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантириш йўллари.

Фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг асосий якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллигини оптимал даражага кўтариш ишлаб чиқаришни иновацион асосда модернизациялаш жараёнини амалга оширилишини тақозо этади. Бунда асосий эътиборни интенсив омиллардан, фойдаланишга қаратиш лозим.

Таркибий ўзгаришлар асосида фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва ички тузилиши ўзгариб у кўп тармоқли хўжаликка айланиши лозим. Бу кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш талабларига тўла мос келади.

Фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтарилишини таъминлаш учун у ўзининг истиқоболли дастурини ишлаб чиқиб бу соҳадаги барча ишларни уни асосида ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қабътий талаб этмоқда⁵.»

Фермер хўжалигида пахта ва бугдой дони етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтаришнинг энг асосий омилларидан бири бу маҳсулот таннархини пасайтиришдир. Мазкур масалани ҳал этишда энг аввало хўжаликда амалга оширилаётган харажатларини чуқур таҳлил этиш асосда уларни камайтириш йўллари аниқлаш талаб этилади. Фермер

⁵ И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил 23 бет.

хўжалиги маҳсулотлари таннархини шаклланишида моддий харажатлар алоҳида ўрин тутди. Сабаби моддий харажатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархидаги улуши 50 фоиздан юқори бўлади. Ундан ташқари моддий харажатлар таркибига экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи уруғлик, ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, иш ва хизматлар киради.

Ҳозирги шароитида моддий харажатлар таркибига кирувчи ресурслар саноатда ишлаб чиқарилиб баҳолари узлари томонидан эркин белгиланади. Натижада моддий ресурсларнинг эркин баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига белгиланадиган харид баҳоларига нисбатан тез ушиб номуносибликка сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари ва техника воситаларини ҳамда эҳтиёт қисмларнинг харид баҳоларини бунга яққол мисол қилиб келтириш мумкин. Сарфланаётган харажатларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қанчаси маҳсулот етиштиришга оид янги технологик жараёнлар бўйича сарфланаётганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан асосий мақсад фан-техника ва технологик янгиликларини ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига татбиқ этиш натижасида харажатларни тежаш имкониятини аниқлашдир.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва хўжалик фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш асосида уни иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича фикр мулоҳазаларни ва таклифларни тайёрлашда биз қуйидагиларни асосладик:

Биринчидан, фермер хўжалигини бошқариш ва иқтисодий самарадорлиги бўйича барча маълумотларни ўрганиб уларни чуқур таҳлил этдик.

Иккинчидан, фермер хўжалигини жадал ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари тўғрисида фермер хўжалигининг бошлиғи ва уни аъзолари билан бир неча бор суҳбатлар ва савол жавоблар ўтказдик.

Улар биз ўрганаётган жараённинг бевосита иштирокчилари бўлганлиги учун уларни фикр мулохазалари аксарият холларда ишлаб чиқаришда бевосита қўллаш мумкин бўлган тадбирлар бўлиб ҳисобланади. Бизга бу соҳада фермер хўжалигини бошлиғи Абдуллаев Хабибулло томонидан билдирилган фикр мулохазалар жуда қўл келди. Биз улардан БМИ нинг ушбу саволини тайёрлашда бевосита фойдаландик.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида бошқаришнинг ташкилий структурасини шаклланишига алоҳида эътибор бериш керак. Сабаби ҳар бир хўжалик ўзининг ишлаб чиқариш йўналишига мос келадиган ташкилий ва бошқариш структураларини танлаб олиш зурур. Чунки бошқаришни самарали ташкил этилиши ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жihatдан уларга боғлиқдир.

Бошқариш жараёнида фермер хўжалиги ўзига мос келадиган бошқариш структурасига эга бўлиши лозим. Токи у мутахассис кадрлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратсин шундагина фермер хўжалигини бошлиғини кундалик жорий жорий масалалардан холи бўлиб ўзининг асосий эътиборини хўжаликни истиқболдаги ривожланишига қаратиш имкониятига эга бўлади.

Избоскан туманидаги Рустам Достон оруси фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бевосита унинг бошлиғи томонидан амалга оширилиб уни аъзолари бу соҳада фаол иштирок этишмайди. Демак фермер хўжалигининг бошқариш структурасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу соҳада фермер хўжалиги аъзоларини касбий тайёргарлигини ошириш, жумладан уларни ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтириш лозим. Ҳозирги кунда ўсимликчилик бўйича эришилган рентабеллик даражаси бор йўғи 20 фоизни ташкил этади.

Жумладан, рентабеллик даражаси пахтачилик бўйича 12,2 фоизни ғалла бўйича эса 45,2 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги эришилган рентабеллик даражаси ҳар иккала экин турлари бўйича ҳам кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларидан жуда пастдир. Фермер хўжалигида рентабеллик даражасини камида пахтачилик бўйича эса 35-40 фоизга етказиш лозим. Акс ҳолда Рустам Достон орзуси фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб даражасида амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга тўла эга бўлмайди.

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш бўйича амалга ошириладиган барча агротехник чора тадбирларнинг камида 85 фоизини хўжалик аъзолари четдан иш кучини жалб этмасдан мустақил бажаришлари керак. Бунинг учун фермер хўжалигини қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари билан талаб даражасида таъминлаш ва ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини кескин кўтариш асосида қўшимча иш кучига бўлган талабни тугатиш лозим.

Истикболдаги фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш чора – тадбирларини ҳам кўриш талаб этилади. Бунга қуйидаги йўллар асосида эришиш мумкин.

1. Хўжаликдаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва уларни самарадорлигини янада кўтариш.
2. Истикболдаги экинлар таркибини ва маҳсулот етиштириш усулларини ўзгартириш. Бунда хўжаликнинг ихтисослашуви бозор талабларига мослаштирилиб юқори фойда олиш томонига йўналтирилади. Жумладан иссиқ хоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ривожлантириш.
3. Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида фермер хўжалигини кўп тармоқли хўжалик юритиш шаклига айлантириш.

4. Фермер хўжалигини экин майдонларини истиқболда кенгайтириш имкониятларидан фойдаланиш. Истиқболда бозор механизми тўла ишга тушиб эркин рақобатлар учун шарт - шaroитлар яратилганда фермер хўжаликларини табақаланиши амалга оширилади. Натижада бир қисми фермер хўжаликлари рақобат курашларида синиб ўз ерларини бой берадилар. Бошқалари эса мустахкамланиб ва кенгайиб боради.

Ушбу жараён қонуниятли бўлиб капитални тўплануви ва марказлашуви талаблари асосида юз беради. Ундан ташқари бу жараён ривожланган аграр индустриал мамлакатларнинг кўп йиллик тарихий тажрибаларида тўла исботланган.

Избоскан туманидаги рустам Достон орзуси фермер хўжалиги бошқаруви ва унинг жамоаси юқоридаги келтирилган усулларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг истиқболдаги ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб уни амалга ошириш чора – тадбирларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Фермер хўжалигида етарлича иқтисодий самарадорликка эришиш учун ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсишини таъминлаш даркор. Бунга ишлаб чиқариш жараёнида самарали технологияларни қўллаш асосида экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш, ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш эвазига эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Избоскан туманидаги Рустам Достон орзуси фермер хўжалиги маҳлумотларини ўрганиш ва таҳлили этиш асосида уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келинди.

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишининг асосий ва ҳал қилувчи омилidir. Шу мақсадда фермер хўжаликлари давлат томонидан доимий қўллаб қувватланиши ва уларни жадал ривожланиши учун барча шарт шароитлар яратилиши лозим.

2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодий мустакиллиги тўла таъминланиши, яъни нима ишлаб чиқариш, кандай ишлаб чиқариш, канча ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотни ким сотиб олади масалаларини бозор талабларига мос ҳолда хўжаликни ўзи ҳал этиши керак.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ривожланишига қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмасини шаклланиши ва уларни самарали фаолият кўрсатиши билан узвий равишда боғлиқдир. Бу соҳада хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва рақобат муҳитини ҳосил қилиниши ҳам ўзини ижобий натижаларини бериши мумкин.

4. Пахта ва буғдой ишлаб чиқаришга ихтисослашган Рустам Достон орзуси фермер хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида пахта етиштириш рентабеллигини оптимал даражага кўтариш чора тадбирларини кўриш зарур.

5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигини ривожланишида ташқи кучлардан химояланиш чора тадбирлари сифатида турли йўналишлар бўйича кооперативларни ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу хорижий давлатларнинг тарихий тажрибаларида тўла исботланган.

6. Меҳнат унимдорлигини ҳамда фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини ошириш асосида пахтачиликда банд бўлган ходимлар сонини мунтазам қисқартириб бориш керак. Бу пахта ишлаб чиқариш харажатлари таркибида иш ҳаққи хиссани оптимал даражага олиб келиш имкониятини беради.

7. Фермер хўжалиги оптимал самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида интенсив омиллардан самарали фойдаланишини йулга қўйиши лозим. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг моддий асосини ташкил этади. Интенсив ривожлантиришнинг барча омиллари уни асосида таркиб топиши ва ривожланиши лозим. Шундагина интенсив усулда ривожлантиришнинг эришилган иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида бўлади.

8. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши катта миқдордаги молиявий маблағларни йўналтиришни талаб этади. Бу соҳада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. Бу жараён фермер хўжалигини нафақат молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди балки ишлаб чиқаришни хорижий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш имкониятини беради.

9. Фермер хўжалигида пахта экин майдонларини янада кенгайтириш имкониятлари чекланган бўлиб, у истикболда чорвачилик тармоғини тармоғини жадал ривожлантириши билан аксинча қисқариши мумкин. Демак фермер хўжалигида пахтачиликни ривожлантириш фақатгина интенсив тараққиёт асосида амалга оширилиши мумкин. Фермер хўжалигида барча имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиниб пахта ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан кенг фойдаланишни жорий этиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни. Тошкент. Ўзбекистон-1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. Тошкент. 1999 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг формонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохотларни чуқўрлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сузи 2003 йил 25 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодийётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сузи 2008 йил 29 декабр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3782 сонли Фармойиши. Халқ сузи 2009 йил 23 ноябр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташқил этиш тизимини

такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сузи, 2011 йил 5 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сузи. 23.10.2012 й
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сузи. 05. 09. 2003 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги « Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 106- сонли қарори. Халқ сузи.12.04. 2012 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодий-иқтисодимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил №-11.

2. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сузи 13.02.2009 йил.
3. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этиш-устивор йўналишдир». Халқ сузи 28.01.2010 й.
4. И.А.Каримов. **«Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»**. Халқ сузи 30.01.2010 й.
5. И.А.Каримов. БМТ саммитининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи Халқ сузи 21.09.2010 й.
6. И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси». Халқ сузи 13.11.2010 й.
7. И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги **маърузаси**. Халқ сузи. 22.01.2011 йил.
8. И.А.Каримов. «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Халқ сузи. 20.01.2012 й
9. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сузи. 18.01.2013 й.
10. *И.А. Каримов* “2014 йил юкори ўсиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” . Халқ сузи. 19. 01. 2014 йил.
11. И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи». Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил
12. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
13. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.

14. И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳат маъсулиятли босқич» Т.Ўзбекистон 2003 йил
15. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
16. И.А.Каримов. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз»Т.Ўзбекистон 1996 йил
17. И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафқўра» Т.Ўзбекистон 1996 йил
18. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон. Тошкент – 2000 й.
19. И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.
20. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.
21. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009 й.

4. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Пахта хом ашёсининг 76-03-04-2011- сонли харид нархлари нархномаси. Тошкент- 2011 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

5. Асосий адабиётлар.

1. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. 1-нашри(дарслик). Тошкент, 2004 йил.
2. А.Исмоилов, О.Мўртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.

3. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташқил этиш. (дарслик) . Т. 2004 йил.
4. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т. 2004 йил.
5. Н. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
6. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. «Иқтисодиёт». 2009 й.
7. М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил.
8. М.Комилов, У. Гофуров, М.Амонбоев И.А.Каримовнинг «Мустақиллик – Барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2013 йил

6. Кўшимча адабиётлар.

1. С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.
2. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил
3. З.Ю.Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.

7.Даврий нашрлар, статистик тупламлар ва ҳисобатлар.

1. Ж.Хайдаров. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш. Агроилм журнали. 2010 й. 3-сон

2. А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 йил
3. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойиҳаларни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
4. А.Собиров Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
5. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
6. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
7. Б.Қўшақов. Фермерлик-мустақиллик берган неъмат. Агробизнес журнали. 7-сон, 2012 й.
8. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда кичик бизнес хусусий тадбиркорликни тўтган ўрни ва аҳамияти Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й
9. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашини ташқил этилиши аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й
10. А.Абдуллаев, О.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. 2013 й

- 11.Ф.Муминова Иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш жароёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбатнинг ўзгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
- 12.Т. Ризаев. Сув истемолчилари уюшмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари ва ечимлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
- 13.Мирзаев.К. Агросервис хизматлар бозори. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 3. 2013 йил.
- 14.Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4.2013 йил.
- 15.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- 16.Экономика Ўзбекистона. Информационно- аналитический бюллетень за 2012 год. Ташкент- 2013.
- 17.Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар кенгашининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.
18. Избоскан туманидаги “Рустам Достон орзуси” фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

8. Интернет сайтлари.

1. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодий Университети
2. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
3. www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
4. www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.